
Кредит қарзини тўламаган жамиятнинг махсус транспорт воситаси хатланди

Бюронинг Ўзбекистон тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 05.05.2022 йил кунги ижро ҳужжатига асосан "Kumush rangli toshlar" МЧЖдан ундирувчи АТБ "Агробанк" Ўзбекистон филиали фойдасига 501.576.000 сўм кредит қарзини ундириш белгиланган.

Қарздор томонидан суд қарорининг ижроси ихтиёрий муддатда таъминланмаганлиги сабабли, давлат ижрочиси томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида гаровга қўйилган "Yuklagich LOVOL FL-953" русумли махсус транспорт воситаси 08.11.2022 йил куни холислар иштирокида хатланиб, туман ИИБ ЙХХБнинг жарима майдонида олиб кирилган.

Ҳозирда ушбу хатланган мулкни аукцион савдоларга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон тумани бўлими

2022-11-09 21:58:09